

**Товарларнинг улгуржи савдо нархлари индексини ҳисоблаш
бўйича услубий низом**

Ушбу услубий низом Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан товарларнинг улгуржи савдо нархлари статистик кузатуви ва товарларнинг улгуржи нархлари индексини ҳисоблашда фойдаланилади.

Улгуржи савдо нархлари индекси бўйича услубий низомни шакллантиришда “Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси: амалиёт ва назария” (ЕИҚ, БМТ, ХВЖ, ХМТ, ИХРТ, Евростат, Бутунжаҳон банки, 2004 йил) тавсияларидан фойдаланилган.

Ушбу услубий низом улгуржи савдо нархлари кузатувининг умумдавлат статистик усуллари ва асосий жиҳатларини, кузатув учун таснифлаш тизими ва қамровини, сараланган намуналар танлови, салмоқ вазн таркибий қисмларининг шаклланиши ва турли даражадаги агрегатларнинг нарх индекслари ҳисобланиши тартибини белгилайди.

1. Умумий қондалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилган:

таянч йил - товарларнинг улгуржи савдоси бўйича йиллик қиймат шаклидаги умумий ҳажмдан келиб-чиқиб танланма давлат статистика кузатувлар учун таянч корхоналар ва вакил-товарлар танланадиган йил (кейинги ўринларда - улгуржи нарх);

таянч ташкилот - улгуржи савдо нархлар кузатуви учун репрезентатив танлаб олинган ташкилот.

вакил-товар — товарларнинг умумий миқдори доирасида ушбу турдаги маҳсулотнинг улгуржи савдоси ҳажмида энг катта улушга эга бўлган сифат ва асосий истеъмол хусусият (тавсиф)лари бўйича мазкур турдаги товарлардан аҳамиятсиз даражада фарқланадиган муайян турга мансуб аниқ товар тури;

салмоғ улуши — таянч йил учун умумий улгуржи товар айланмаси ҳажмидаги улгуржи товар (товарлар гуруҳи)лар қиймати ҳажми улуши. Ушбу ўлчов бирлиги умумий ҳажмдаги ҳар бир элементнинг аҳамиятлилигини акс эттиради.

индекснинг таянч даври — нарх индекси қийматлари 100%га тенглаштирилиб, ойлик нарх индекслари ўзаро боғлаш амалга ошириладиган давр;

индивидуал нарх индекси — аниқ турдаги вакил-товарнинг нархлари даражаси ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткич;

жамланган (умумий) нарх индекси – алоҳида гуруҳ, кичик гуруҳ ёки умумий ҳисобда ўрганилаётган жараённинг нархлари даражаси ўзгариши ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланадиган нисбий кўрсаткич;

товарларнинг улгуржи савдо нархлари - сотувчи томонидан савдо нуқталари орқали (улгуржи омборхоналар ва базалар, улгуржи савдо нуқталари ва ҳ.к.) харидорларга қайта сотиш ва фойдаланиш учун сотиладиган тури ўзгармаган товарлар нархи. Бу нарх қўшилган қиймат солиғи, акциз ва бошқа турдаги солиқларни ўз ичига олади. Улгуржи савдо билан боғлиқ жараёнларнинг мажбурий хусусиятлари - товарларнинг жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳисоб-варвақалар ёки бошқа бирор ҳужжатларнинг мавжуд бўлишидир.

Ушбу услубий низомда қўлланилган атамалар давлат статистика органлари томонидан статистик мақсадлар учун ишлатилади.

2. Товарларнинг умумий улгуржи савдоси нархлар индексини ҳисоблаш бўйича инструментарий

2. Давлат статистика кузатувнинг 11-нагх (чораклик) “Товарларнинг улгуржи савдо нархларини кузатиш сўровномаси” маълумотлари товарларнинг ўртача улгуржи савдо нархлари ва нархларнинг умумий индексини аниқлашда маълумотлар манбаси бўлиб ҳисобланади.

3. Таснифлаш тизими ва қамрови

3. Улгуржи савдо нархлари индекси учун географик ва тармоқлар қамрови доираси, статистик кузатув бирликлари (таянч корхоналар туркумлари) аниқланади.

4. Географик қамров доирасида улгуржи савдо нархлари индексини шакллантириш учун мамлакатнинг барча ҳудудларида улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар кузатилади.

5. Ўзстандарт агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган иқтисодий фаолият турлари бўйича умумдават таснифлагичи (ИФУТ-2) “Автомобилларда ва мотоциклларда улгуржи ва чакана савдо ва уларни таъмирлаш” 45-бўлими ва “Автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо” 46-бўлимларига тааллуқли улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятидаги нархлар ўзгаришини ҳисобга олади.

6. Алоҳида турдаги товарларнинг улгуржи савдо нархлари индексини ҳисоблашда ИФУТ-2 таснифлагичига мувофиқ асосий фаолият тури улгуржи савдо бўлмаган тадбиркорлик субъектлари ҳам кузатувга киритилиши мумкин. Бундай тадбиркорлик субъектларини улгуржи савдо нархлари кузатувидаги таянч корхоналар қаторига киритилиши - ушбу корхонадаги танланган товарлар ҳажми айнан шу турдаги умумий товар айланмаси ҳажмидаги улуши 5 %дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

7. Товар даражасида 2016 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг №59-сон буйруғи билан тасдиқланган улгуржи савдо номенклатурасидан фойдаланилади.

4. Товарларнинг умумий улгуржи савдо нархлари индексларини шаклланишининг асосий босқичлари

8. Нархлар кузатуви ва улгуржи нарх индексини ҳисоблаш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

- улгуржи нархлар кузатувлари учун вакил-товарларни танлаш;
- улгуржи нархлар кузатувлари амалга ошириладиган таянч корхоналарни танлаш;
- нархларни рўйхатга олиш тартибини белгилаш;
- турли даражадаги агрегатларнинг нарх индексларини ҳисоблаш учун ўлчаш (вазн) тизимини шакллантириш;
- формула танлаш ва нарх индексини ҳисоблаш.

5. Товарлар танлови

9. Улгуржи савдо нархлари давлат статистик кузатуви товарларнинг намунаси бўйича амалга оширилади.

10. Танлов уч босқичда амалга оширилади ва ҳар бир танлов учун муайян мезонлардан фойдаланилади. Танловнинг барча босқичларида давлат статистика қўмитасининг таянч йил учун тақдим этилган ҳисоботларидаги улгуржи савдо ҳажмлари маълумотларидан фойдаланилади.

I Босқич. Хизматлар гуруҳи ва синфларини бирлаштириш йўли орқали улгуржи хизматларнинг умумий макротизими аниқланади. Улгуржи савдо хизматлари синфлари танловига киритиш учун статистик кузатувнинг мақсадларига мувофиқлиги таҳлил қилинади. Ойлик улгуржи савдо нархлари кузатувининг мақсади – узоқ давр мобайнида узлуксиз динамик каторларга эга нарх индексларини шакллантириш (бир йилдан кам бўлмаган). Йил давомида товарлар ҳаракати сезиларли мавсумий (вақтинчалик) ёки эпизодик хусусиятига эга намуна синфларини камраб олмайди.

II Босқич. Улгуржи савдо хизматларининг алоҳида синфларига мансуб товарлар ва кичик товарлар танлаб олинади. Нархларни кузатиш учун танланган улгуржи савдо хизматларининг синфлари республикада улгуржи савдонинг асосий йўналишларини ва товарларнинг турлари ҳамда кичик гуруҳлари – товар айланмасининг асоси бўлган таркибий қисмини акс эттиради. Танлов шакллантирилишининг биринчи ва иккинчи босқичлари марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

III Босқич. Республика улгуржи бозорининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи аниқ турдаги позициялар, ассортимент таркиблари танлаб олинади.

11. Товарлар турларини кичик турлари танловидаги ёндашув товарлар гуруҳининг хусусиятларига (ассортиментнинг кенглиги, улгуржи бозорда мунтазамлиги ва ҳ.к) боғлиқдир.

12. Оммавий талабга эга маҳсулотлар орасида (кийим-кечак, маиший техника, гигиена товарлари ва бошқалар) мезонлари, турларининг устунлик даражаси, хизматларнинг мазкур синфида товарларнинг умумий улгуржи савдо ҳажмидаги улуши инобатга олинган ҳолда одатдагидек танлов усули қўлланилади.

13. Талаб даражаси юқори бўлмаган товарлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра (ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникалари, металл рудалари ва ҳ.к.) одатда вакиллар киритилиши билан бир қаторда мақсадли танлов усулидан фойдаланилади.

14. Улгуржи савдо синфи хизматларининг танланган тоифаларига ва уларнинг танланган турларига қараб кичик турдаги товарлар бўйича республиканинг ҳар бир ҳудудида улгуржи савдонинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи нархларни кузатиш бўйича ҳудудий рўйхат аниқланади.

15. Улгуржи савдо нархлари маълумотларини тақдим этилувчи ҳар бир гуруҳ ва кичик гуруҳлар бўйича аниқ турдаги вакил-товарлар аниқланади.

16. Улгуржи савдо нархлари индексини ҳисоблаш мақсади кузатилаётган нархларда максимал даражада инфляцион бўлмаган нархлар ўзгариши инобатга олинмайди. Шу мақсадда сифат хусусиятлари ўзгармаган, улгуржи савдонинг маълум бир ўлчамда етказиб берилган улгуржи партияси, айнан бир хил шартлар бўйича сотилаётган ва ҳарид қилинаётган вакил-товарлар ўрганилади. Кузатув учун танланган вакил-товарларга қуйидагилар киради: маркаси, нави, русуми ҳамда вазни, қадоғи, истеъмолчи тури ва ҳ.к. Тақоосланиши бўйича батафсил маълумотлар ушбу услубий Низомнинг 6 бўлимида келтириб ўтилган.

17. Вакил-товарлар қуйидаги мезонларга асосан танланади:

1) маълум бир маҳсулотнинг ички турлар орасидаги ва ассортимент хусусиятларини акс эттиради;

2) мазкур турдаги маҳсулот умумий савдо ҳажмида йирикроқ улушни ташкил этадигани (умумий савдо ҳажмининг 30 фоизидан зиёдроғи);

3) танланган товарлар узоқ вақт давомида сотувда бўлиши ва юқори даражадаги товар айланмаси хусусиятига эга бўлиши;

4) нарх маълумотларини йиғиш нуқтаи назаридан олиш мумкин бўлган ва номи ҳамда тури бўйича бир хил нархлар ўртасидаги мавжуд тебранишларини минималлаштирилишини таъминлайди;

5) айнан аниқ турдаги истеъмолчи томонидан ҳарид қилинадиган ва етказиб бериш шартлари бўйича бир хил хусусиятга эга товарлар танлаб олинади.

18. Ҳар бир турдаги, кичик турдаги товарлар рўйхатига уч хилдан кам бўлмаган вакил-товарлар танлаб олинади, масалан (шартли маълумотлар):

товар тури (код 46.49.01) – “Ошхона анжомлари ва ошхона металл идишлари”

вакил-товарлар:

қоғоз қадоқдаги ошхона қошиқлари тўплами (6 дона), ишлаб чиқарувчи мамалакат – Хитой;

12 кишилик ошхона жихозлари тўплами (қошиқлар, санчқилар, пичоқлар-жами 36 та буюмлар) ишлаб чиқарувчи мамалакат – Россия;

зангламайдиган пўлат материалидан кастрюль тўплами (3 донали тўплам-1,5 л, 2,5 л, 5 л.) ишлаб чиқарувчи мамалакат – Австралия;

5 л ҳажмдаги эмалланган кастрюль, ишлаб чиқарувчи мамалакат – Ўзбекистон.

19. Улгуржи савдо нархлари кузатуви учун танланган вакил-товарлар ҳисобот йили давомида ўзгаришсиз қолади.

20. Танлаб олинган вакил-товарлар нархларини кузатишнинг имкони бўлмаган ҳолатларда турлари бўйича гуруҳ ва кичик гуруҳлар бўйича янги вакил-товарлар кузатувга киритилиши мумкин. Янги киритилаётган вакил-товар олдинги вакил-товар сингари бир мамлакатда ишлаб чиқарилган бўлиши, хусусиятлари ўзаро мос келиши ва нарх даражасида бироз фарқ қилиши мумкин (фарқи 5-10 фоиздан ошмаслиги керак).

21. Танлаб олинган товарларнинг умумий миқдори республика бўйича ўтган йилдаги умумий товарлар миқдорининг 75 %идан кам бўлмаслиги керак.

5. Таянч ташкилотлар танлови

22. Улгуржи савдо нархлари бўйича Давлат статистика кузатувларидаги таянч ташкилотлар умумий ташкилотлар йиғиндисидан танланма йўл билан саралаб олинади.

23. Улгуржи савдо ташкилотларининг умумий ялпи намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сон қарорига асосан фаолият юритаётган корхоналар ва ички савдо субъектларининг дастлабки статистик маълумотлари асосида улгуржи савдо ҳажмлари ҳисобланади.

24. Таянч ташкилотлар танлови асосий массив усули ёрдамида амалга оширилиб, бунда ўрганилаётган умумий бирликларнинг энг аҳамиятлилари кузатув остига олинади.

25. Агар танланган асосий ташкилотлар кузатилаётган йирик гуруҳларни, синфларни, турларини, кичик турларини имкон қадар кенг миқёсда қамраб олсалар, энг оптимал натижага эришилади. Ҳар бир товар позицияси бўйича таянч корхоналарнинг товар айланмаси жами улгуржи савдо айланмаси ҳажмининг 60 %дан кам бўлмаслиги лозим.

26. Танловда йирик ташкилотларга кўпроқ аҳамият берилади. Агар муайян товар бўйича танланган йирик ташкилотларнинг улгуржи товар айланмаси улуши ушбу маҳсулот бўйича улгуржи савдо айланмасининг 60 %идан камроғини ташкил этса, у ҳолда, ушбу услубий низомнинг 25 бандида кўрсатиб ўтилган талабларга мутаносиб бўлиш учун танлов доираси кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобига ҳам кенгайтирилади.

27. Алоҳида позициялар бўйича нархларнинг солиштирма маълумотларини олиш қийин бўлган вазиятларда таянч ташкилотлардаги товар айланмаси улуши бироз пастроқ бўлиши мумкин.

28. Улгуржи савдо субъектларини кузатувга киритилишидаги асосий меъзонлар куйидагилар:

- 1) ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шакли бўйича турли хил субъектларнинг максимал даражадаги қамрови;
- 2) улгуржи савдонинг турли хусусиятлари (универсал ёки ихтисослаштирилган) ва товар турларининг кенглиги (кенг, чекланган, тор);
- 3) ҳисобот йили давомида мунтазам савдо битимлари;
- 4) ишлаб чиқарилган маҳаллий ва импорт товарлари савдоси.

29. Улгуржи товар айланмаси ҳажми ва улгуржи савдонинг доимийлиги бўйича таҳлилий статистик маълумотлар асосида улгуржи савдо таянч объектлари танловини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш йилда бир мартта амалга оширилади.

6. Нархларни рўйхатга олиш

30. Улгуржи савдо нархларини рўйхатга олиш таянч корхоналар мутахассислари томонидан ҳар ойда амалга оширилади. Маълумотлар ҳар чоракда статистика органларига 11-наrx (чораклик) “Товарлар (маҳсулотлар)нинг улгуржи савдо нархларини кузатиш сўровномаси” (кейинги ўринларда сўровнома) асосида тақдим этилади.

Сўровнома чоракнинг ҳар ойидаги товарларнинг нархлари ва чорак давомидаги сотилиш ҳажми маълумотларини ўз ичига олади.

31. Сўровномани тўлдиришда бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари (ҳисоб-фактура, шартнома, тўлов буюртмаси ва бошқалар), шунингдек тасдиқланган нархномалар асос бўлиб ҳисобланади.

32. Нархларни қайд этиш чоракдаги ҳар ойининг 15 санасида амалга оширилади. Агарда улгуржи савдо нархлари ҳақидаги маълумотлар ушбу санада мавжуд бўлмаса, ушбу санага яқин кундаги улгуржи савдо нархлари кўрсатилади. Нархларни рўйхатга олишдаги оралиқларни сақлаб қолиш учун нархларни қайд этиш бўйича белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиш керак.

33. Сўровномада қўшимча қиймат солиғи, савдо устамаси ва бошқа билвосита солиқлар ҳисобга олинган ҳолда, лекин истеъмолчиларга товарни етказиб бериш транспорт харажатлари ҳисобга олинмаган ҳолдаги нархлар кўрсатилади.

34. Улгуржи савдо нархларини рўйхатда олиш мобайнида истеъмолчилар эътиборини тортиш ва товар айланмаси ҳажмини кенгайтириш ҳамда товар айланмасини тезлаштириш мақсадида улгуржи савдо таркибидаги рағбатлантиришлар, чегирмалар ва қўшимчалар ҳисобга олинмайди.

35. Нархларни рўйхатга олиш жараёнида нархлар ҳамда улгуржи етказиб бериш шартлари (йирик улгуржи, кичик ёки ўрта) қиёсийлигини таъминлаш керак. Агар улгуржи савдо нархлари етказиб берилувчи тўпламнинг катталигига қараб фарқланса, у ҳолда нархларни кузатиш мақсадида бирмунча кенг тарқалган (стандарт) етказиб берилувчи ҳажмли тўплам танланади.

36. Етказиб бериш шартлари бўйича маҳаллий ва бошқа мамлакатларнинг вакил-товарлари нархлари рўйхатга олинади. Ишлаб чиқарувчи мамлакат вакил-товарнинг қаддоғидаги белгиларга қараб аниқланади.

37. Сўровноманинг “Тўлиқ таснифлари кўрсатилган ҳолда кузатилаётган товарнинг номи” жадвалидаги қиёсийликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг аниқ шахри кўрсатилади, саноат маҳсулотлари учун эса ишлаб чиқарувчи кўрсатилади.

38. Нарх ўзгаришини “аниқ” акс эттириш учун, тузилма ва ассортимент ўзгариши, инфляцион бўлмаган омиллар таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобот йили давомида ўзаро таққосланмайдиган вакил-товарлар нархлари рўйхатга олинади.

Нархлари таққосланмайдиган вакил-товарлар:

1) бир хил таъминот бўйича турли етказиб берувчилар (масалан, турли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг цементи савдоси бўйича “Оҳангаронцемент” АЖ ва “Қизилқумцемент” АЖ ва бошқалар);

2) агар нарх ўлчовига таъсир этса, турли таъминот шакллари (йирик улгуржи ёки майда улгуржи);

3) етказиб бериш бўйича ўзгараган тўлов шартлари (қисман ёки тўлиқ олдиндан тўловлар ва бошқалар) ва етказиб бериш муддатлари.

39. Нархлар ўрнатилган стандарт ўлчов бирлиги орқали рўйхатга олинади (1 иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ). Вакил-товарлар савдода бошқа ўлчов бирлигида бўлган вазиятларда нархлар қайта ҳисобланади ва қаддоғи эса вакил-товарнинг элементи хусусиятлари бўлиб ҳисобланади.

40. Қуйидагилар рўйхатга олинмайди:

1) бир марталик битимлар бўйича ўрнатилган энг юқори ва демпинг (паст) нархлар;

2) ҳаридлар ҳажмини ошириш мақсадида ташкил этилган танловлардаги ва лотореялардаги таклиф этилган товарлар нархлари;

3) хусусиятлари кўрсатилмаган товар гуруҳларининг ўртача нархлари, бу ҳолда нархлар индексларини ҳисоблашда инфляцияга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳисобга олинган бўлади, бу эса кўрсаткичларнинг бузиб кўрсатилишига олиб келади.

4) вакил-товарларнинг яроқлилик муддатининг ўтиб бораётганлиги ёки унинг тугаётганлиги сабабли арзонлаштирилган нархлар.

41. Вакил-товар нархларидаги асосиз ўзгаришларни аниқлаш ва бартараф этишда статистика органи ходимлари нарх-наво маълумотларини мантиқий назорат қилиш билан бир қаторда, нарх маълумотларини аниқлашда юзага келган саволларга танланган ташкилот мутахассислари билан ҳамкорликда масалага ойдинлик киритадилар.

42. Статистика органлари томонидан мантиқий назоратни амалга ошириш бўйича қуйидаги таққослаш усуллари қўлланилади:

– ўтган даврдаги нарх маълумотлари билан;

– бир-бирига ўхшаш вакил-товарларнинг турли хил бошқа танланган ташкилотлар нархлари билан;

– бир хил номдаги вакил-товарларнинг сифат жиҳатдан яхши белгиланган нарх мутаносиблиги нисбатларига кўра ўзгариши. Масалан, қадокдаги сутнинг нархи ёғлик микдорининг кўтарилиши қимматлашади ва ҳ.к;

– саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва чакана савдо корхоналари томонидан ўхшаш турлар, кичик турлар ва вакил-товар навлари ўртасидаги хилма-хиллик. Ишлаб чиқарувчилар товарларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи ва транспорт харажатларининг ҳисобланмаслиги боис ишлаб чиқарувчи корхоналарининг нархлари улгуржи савдодаги нархлар даражасидан арзондир, чакана савдо нархлари даражасининг юқорилиги улгуржи савдо нархларига нисбатан дўконнинг устама ҳақлари ва транспорт харажатларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади.

43. Вакил-товарлар савдода вақтинчалик мавжуд бўлмаган вазиятларда нарх индекслари динамик қаторларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида вақтинча мавжуд бўлмаган вакил-товарлар нархларини “шартли” равишда такрорлаш ишлари амалга оширилади.

44. “Шартли” нархлар қуйидаги усуллар билан ҳисобланади:

– “шартли” равишдаги нархларни белгилашда ўтган даврдаги рўйхатга олинган нархлардан фойдаланилади. Бу жараён вакил-товарларнинг навбатдаги савдо давригача, лекин кетма-кет икки ойдан кўп бўлмаган муддатлар учун амалга оширилади;

– танланган битта ташкилот бўйича вакил-товарнинг ҳақиқий нархларини кетма-кет икки ой мавжуд бўлмаганда, вакил-товарнинг ҳақиқий сотилган нархи олингунига қадар бошқа таянч корхоналарнинг айнан шундай вакил-товарларининг сотиш нархлари ўзгаришига нисбатан “шартли” нархлар ҳисобга олинаверади;

– танланган ташкилотда товарнинг сотилиши буткул тўхтатилганда вакил-товарни алмаштириш амалга оширилади. Бундай вазиятда киритилаётган товар учун “шартли” нарх бошқа таянч ташкилотларнинг ўтган даврдаги ўртача нархларининг ўзгаришидан келиб чиқиб ҳисобланади.

7. Турли даражадаги агрегатларнинг нарх қийматини ҳисоблаш учун салмоқ вазнлар тизимини шакллантириш

45. Товарларнинг улгуржи савдо нархлари индекси салмоқ вазнлари тизимини шакллантириш учун (кейинги ўринларда - вазнлар тизими) таянч даврдаги товарларни умумий улгуржи сотиш ҳажми бўйича расмий статистик маълумотлардан фойдаланилади.

46. Умумий улгуржи нарх индексини ҳисоблашда қўлланиладиган умумий салмоқ вазн катталикларининг улушини бутун мамлакат бўйича Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифига (ИФУТ, таҳрир 2, О'зДТ 005:2011) асосан улгуржи савдо нархлари кузатувида киритилган синфлар, гуруҳлар бўйича улгуржи товарлар нархларининг республика миқёсида улгуржи товар савдо айланмаси ҳажмида ўзининг муҳимлигини акс эттиради.

47. Умуман олганда, республика бўйича вазнлар тизимини яратишда асосий таянч давридаги вазнга мос келиш шарт-шароитларига риоя қилиниши, индексларнинг ўртача

йиллик миқдори, йил якунлари бўйича ўтган йилнинг декабрь ойидаги таянч нархларнинг янгиланишида тузатиш коэффициенти қўллаган ҳолда амалга оширилади.

48. Янгиланишларни тузатиш коэффициенти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_{\text{актуал}} = \frac{STR_{\text{дек}, G-1}}{\sum_{n=1}^{12} (STR_{n, G-1}) / 12},$$

бунда:

$STR_{\text{дек}}$ – ўтган ойга нисбатан декабрь ойининг мос равишда товарлар, синфлари, гуруҳлари бўйича ва умумий улгуржи савдонинг қисқа муддатли нарх индекси¹;

STR_n – ўтган ойга нисбатан n -ойининг мос равишда товарлар, синфлари, гуруҳлари бўйича ва умумий улгуржи савдонинг қисқа муддатли нарх индекси;

n – ой рақами (январь учун – 1, февраль учун – 2 ва ҳ.к.);

$G-1$ – йилнинг ўтган йилга нисбатан салмоқ вазнлардан фойдаланган ҳолда индекслар ҳисобланадиган давр.

49. Қўлланилаётган таснифлагичга асосан улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмини янгиланган тузатилган коэффициентнинг барча товар айланмаси ҳажмига кўпайтирилиб, бундан эса ўз навбатида бевосита салмоқ вазнларни ҳисоблашда фойдаланилади.

$$d_i = t_i \times K_{\text{актуал}}, \quad d_j = t_j \times K_{\text{актуал}}, \text{ бунда:}$$

d_i – i –товарнинг таянч йилдаги тузатилган товар айланмаси ҳажми;

d_j – таянч йилдаги j -кичик синфда (синфлар, гуруҳлар, бўлимлар бўйича) тузатилган товар айланмаси ҳажми;

t_i – i –товарнинг таянч йилдаги қиймати жиҳатидан улгуржи савдо ҳажми;

t_j – кичик синфнинг (синф, гуруҳ, бўлим бўйича) таянч йил учун қиймат жиҳатидан улгуржи савдо ҳажми;

50. Аниқ турдаги товарлар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар бўйича салмоқ вазнлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_i = \frac{d_i}{\sum d_i}, \quad W_j = \frac{d_j}{\sum d_j}, \text{ бунда:}$$

W_i – i товарнинг салмоқ вазни;

¹ Қисқа муддатли нарх индексларини ҳисоблаш услубиёти “Улгуржи савдо нархларини индексини ҳисоблаш” 8-бўлимида келтирилган.

W_j – j кичик синф (синф, гуруҳ ёки бўлим) бўйича салмоқ вазн;

d_i – i –товарнинг таянч йилдаги тузатилган товар айланмаси ҳажми;

d_j – j -кичик синфлар (синфлар, гуруҳлар, бўлимлар) бўйича тузатилган товар айланмаси ҳажми.

51. Қайта киритилган позициялар бўйича тўғирланган актуализация коэффицентларини аниқлашда гуруҳлар позициясининг мавжуд тузатиш коэффицентларидан ёки гуруҳлар бўйича позициясидан фойдаланилади.

52. Салмоқ вазнлар тизимини қайта кўриб чиқиш товар ва танланган ташкилотларнинг янгиланган намуналари билан биргаликда ҳар йили бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

8. Улгуржи савдо нархларини индексини ҳисоблаш

53. Улгуржи савдо нархлари индексларини ҳисоблаш ҳар чорак якуни бўйича чоракнинг ҳар бир ойи учун амалга оширилади (масалан, I чоракнинг якуни бўйича – январь, февраль ва март ойлари учун).

54. Улгуржи савдо нархларининг бирламчи статистик маълумотлар асосида аниқ турдаги вакил-товарнинг индивидуал улгуржи савдо нархлари индексини ҳисоблаш қуйидаги формулада келтирилган:

$$STR_{t,i} = \frac{P_{t,i}}{P_{t-1,i}} \times 100\%,$$

бунда:

$STR_{t,i}$ – t ҳисобот ойидаги i вакил-товарнинг ўтган ойга ($t-1$) нисбатан индивидуал нарх индекси, фоизда;

$P_{t,i}$ – i вакил-товарнинг t ҳисобот ойидаги нархи, сўмда;

$P_{t-1,i}$ – i вакил-товарнинг ўтган ойдаги нархи ($t-1$), сўмда

55. Бирлаштирилган нарх индексларини ҳисоблашда таянч даврининг салмоқ вазнлари тизимидан фойдаланилган ҳолда модификацияланган Ласпейрес формуласи асосида амалга оширилади. Модификация шундан иборатки, ҳар бир даврда таянч салмоқ вазнлар нарх индексининг сўнгги қийматига кўпайтирилади. Ушбу ёндашув ҳисоб-китоблар занжирининг узлуксизлигини сақлаб қолади, бу эса товарлар савдосининг беқарор вазиятларида уларни алмаштириш масаласини осонлаштиради.

56. Ҳисоб-китоблар қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

$$1. LTR_{t,i} = \prod_{n=1}^t STR_{n,i},$$

$$2. V_{t,i} = W_i \times \prod_{n=1}^t STR_{n,i} ,$$

$$3. LTR_{t,j} = \frac{\sum_{i=1}^g V_{t,i}}{\sum_{i=1}^g W_i} = \frac{V_{t,j}}{W_j} ,$$

$$4. STR_{t,j} = \frac{LTR_{t,j}}{LTR_{t-1,j}} ,$$

бунда:

$LTR_{t,i}$ – t жорий ойидаги i маҳсулотнинг таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан узоқ муддатли нарх индекси;

STR_i – ўтган ойга нисбатан ҳисобот ойидаги i товарнинг қисқа муддатли нарх индекси;

$STR_{t,j}$ – ўтган ойга $(t-1)$ нисбатан t ҳисобот ойидаги j кичик синфлар (синфлар, гуруҳлар, бўлимлар) бўйича нарх индекси;

$LTR_{t,j}$ – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан t жорий ойидаги j кичик синфлар (синфлар, гуруҳлар, бўлимлар) бўйича узоқ муддатли нарх индекси;

$V_{t,i}$ – t жорий ойидаги i товарнинг салмоқ вазни;

$V_{t,j}$ – j кичик синфлар (синфлар, гуруҳлар, бўлимлар)нинг жорий t ойидаги товарнинг салмоқ вазни;

W_i – i товарнинг салмоқ вазни;

W_j – j кичик синфлар (синфлар, гуруҳлар, бўлимлар) бўйича салмоқ вазн;

n – ой рақами (1-январь, 2-февраль ва ҳ.к.);

g – j кичик синф (синф, гуруҳ, бўлим) таркибига кирувчи турлар сони.

57. Ўтган ойга нисбатан нархлар индексига қўшимча равишда, ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, йил бошидан ўтган даврнинг аввалги йилнинг мос даврига нисбатан ҳам ҳисобланади.

58. Қайд этилган индексларни ҳисоблаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

ўтган йилнинг декабрига нисбатан:

$$LTR_{2,t} = \prod_{n=1}^t STR_n ,$$

бунда:

$LTR_{2,t}$ – ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий t ойи нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);

STR – n ойнинг ўтган ойга нисбатан қисқа муддатли нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);

t – жорий ой;

n – тартиб бўйича ой рақами.

ўтган йилнинг мос ойига нисбатан:

$$LTR_{3,t} = \frac{LTR_{t,G}}{LTR_{t,G-1}},$$

бунда:

$LTR_{3,t}$ – ўтган йилнинг мос ойига нисбатан жорий t ойи нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);

LTR_t – t жорий ойнинг таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);

t – жорий ой;

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

йил бошидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан:

$$LTR_{4,t} = \frac{\sum_{n=1}^t LTR_{n,G}}{\sum_{n=1}^t LTR_{n,G-1}},$$

бунда:

$LTR_{4,t}$ – январь ойдан жорий t ойигача бўлган нарх индексларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбати (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича)

LTR_n – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);

t – жорий ой;

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

59. Жорий чоракдаги нарх индексларини ўтган чоракка ва ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан ҳисоблаш қуйидаги формулалар орқали амалга оширилади:

жорий чорак ўтган чоракка нисбатан:

$$LTR_{5,\kappa\vartheta} = \frac{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa,\kappa\vartheta}}{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa,\kappa\vartheta-1}},$$

бунда:

- $LTR_{5,\kappa\vartheta}$ – жорий чоракнинг ($\kappa\vartheta$) ўтган чоракка нисбатан нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);
- LTR_{κ} – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг κ ойи нархлари индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);
- κ – чоракнинг ҳар бир ойи тартиб рақамлари (январдан март ойигача, апрелдан июнь ойигача ва ҳ.к.);
- $\kappa\vartheta$ – жорий чорак;
- $\kappa\vartheta-1$ – ўтган чорак.

чорак ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан:

$$LTR_{6,\kappa\vartheta} = \frac{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa,G}}{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa,G-1}},$$

бунда:

- $LTR_{6,\kappa\vartheta}$ – ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан жорий чоракнинг ($\kappa\vartheta$) нарх индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича;)
- LTR_{κ} – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг κ ойи нархлари индекси (товар, кичик синфлар, синфлар, гуруҳлар, бўлимлар, умумий улгуржи савдо бўйича);
- κ – чоракнинг ҳар бир ойи тартиб рақамлари (январдан март ойигача, апрелдан июнь ойигача ва ҳ.к.);
- G – жорий йил;
- $G-1$ – ўтган йил.

60. Юқоридаги қайд этилган индекслардан ташқари яна қўшимча равишда улгуржи савдо нархлари индексларнинг ўртача ойлик қиймати ҳам ўртача геометрик формула ёрдамида аниқланади:

$$\overline{I_p} = \sqrt[n]{STR_1 \times STR_2 \times \dots \times STR_n},$$

бунда:

- $\overline{I_p}$ – биринчи ойдан n ойгача бўлган давр учун ўртача ойлик нарх индекси;
 STR – ўтган ойга нисбатан ҳар ойнинг қисқа муддатли нарх индекси;
 n – ойлар сони;

61. Йил бошидан ўртача ойлик нархлар индексини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\overline{I_p} = \sqrt[n]{LTR_{2,n}},$$

бунда:

- $\overline{I_p}$ – январь ойдан бошлаб n – ойгача бўлган давр учун ўртача ойлик индекс;
 LTR_2 – ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий йилнинг n -ойидаги нарх индекси;
 n – ой тартиб рақами.

Якуний қоидалар

62. Умумий улгуржи савдо нархлари индекси маҳсулотнинг доимий равишда шартлари ва товарларнинг сифат кўрсаткичлари барқарорлиги шароитида улгуржи савдонинг нарх динамикасини акс эттиради.

63. Иқтисодий фаолият турлари ва товарлар турлари бўйича улгуржи савдо нархлари индексини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан бутун республика бўйича амалга оширилади.

64. Умумий улгуржи савдо нархлари индекси статистика органлари томонидан таққослама нархларда улгуржи савдо ҳажмини қайта ҳисоблаш учун ишлатилади.

65. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ва истеъмол нархлари индексига қўшимча равишда умумий улгуржи савдо нархлари индекси иқтисодиётнинг реал секторидаги иқтисодий таҳлилларни яхшилашга ва аниқ турдаги маҳсулотлар ҳаракати натижасида бозорлардаги нархлар ўзгаришини кузатиш имконини яратади.

66. Маълумотлар нашрлар ва расмий ҳаволаларда вергулдан сўнг битта ўнлик белги билан жойлаштирилади.

“Улгуржи товар савдолари умумий нарх индексини
ҳисоблаш бўйича услубий низом”нинг
1-илоvasи

**УЛГУРЖИ САВДО НАРХЛАРИ ИНДЕКСИНИ ҲИСОБЛАШ БЎЙИЧА
УЛГУРЖИ САВДО ТОВАРЛАРИ НОМЕНКЛАТУРАСИ**

Товарлар номи	Сатр коди	Ўлчов бирлиги
А	Б	В
Мамлакатда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар	45.11.11	дона
Бошқа енгил автомобиллар (мамлакатда ишлаб чиқарилганларидан ташқари)	45.11.12	дона
Бошқа енгил моторли транспорт воситалари	45.11.19	дона
Юк автомобиллари	45.19.11	дона
Автобуслар	45.19.12	дона
Бошқа тоифага киритилмаган, моторли транспорт воситалари	45.19.19	дона
Автомобил деталлари, узеллари ва жиҳозлари	45.31.00	дона
Мотоцикллар ва мопедлар	45.40.11	дона
Мотоцикллар ва мопедларнинг деталлари, узеллари ва жиҳозлари	45.40.12	дона
Ғалла	46.21.11	тонна
Уруғлар ва ҳайвонлар учун озукалар (омухта ем)	46.21.12	тонна
Бошқа тоифага киритилмаган қишлоқ хўжалик хом ашёси	46.21.19	тонна
Ишлов берилмаган тамаки	46.21.20	тонна
Гуллар ва бошқа ўсимликлар	46.22.00	минг дона
Тирик ҳайвонлар	46.23.00	дона
Тери ва чарм	46.24.00	минг кв.м
Тарвуз ва қовун (янги узилган)	46.31.01	тонна
Бошқа мевалар (янги узилган)	46.31.02	тонна
Қовоқ (янги)	46.31.03	тонна
Бошқа сабзавотлар (янги)	46.31.04	тонна
Қайта ишланган сабзавотлар	46.31.05	тонна
Қайта ишланган мевалар	46.31.06	тонна
Гўшт, парранда гўштини қўшган ҳолда	46.32.01	тонна
Гўшт консервалари	46.32.02	тонна
Колбаса маҳсулотлари ва дудламалар	46.32.03	тонна
Бошқа гўшт маҳсулотлари	46.32.09	тонна
Қуруқ сут	46.33.01	тонна
Пишлоқ	46.33.02	тонна
Сариёғ	46.33.03	тонна
Музқаймоқ	46.33.04	тонна
Бошқа тоифага киритилмаган сут ва бошқа сут маҳсулотлари	46.33.05	тонна
Ўсимлик ёғи	46.33.06	тонна
Қиздирилган озиқ-овқат ёғи ва бошқа озиқабоп ҳайвон ёғлари	46.33.07	тонна
Маргарин маҳсулоти	46.33.08	тонна
Тухум	46.33.09	минг дона
Ароқ ва ликер-ароқ маҳсулотлари	46.34.11	дал

Товарлар номи	Сатр коди	Ўлчов бирлиги
А	Б	В
Вино	46.34.12	дал
Коньяк	46.34.13	дал
Шампан виноси	46.34.14	дал
Пиво	46.34.21	дал
Спиртсиз ичимликлар	46.34.22	дал
Тамаки маҳсулотлари	46.35.00	кути (20 д.)
Шакар	46.36.01	тонна
Шоколад, шакар ва шоколаддан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	46.36.02	тонна
Нон ва нон маҳсулотлари (жумладан хамирдан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари)	46.36.03	тонна
Қаҳва	46.37.01	тонна
Чой	46.37.02	тонна
Какао ва зираворлар	46.37.03	тонна
Ун	46.38.01	тонна
Макарон маҳсулотлари	46.38.02	тонна
Туз	46.38.03	тонна
Балиқ ва денгиз озиқ-овқат маҳсулотлари	46.38.04	тонна
Балиқ консервалари	46.38.05	тонна
Гуруч	46.38.06	тонна
Бошқа ёрмалар (гуручдан ташқари)	46.38.07	тонна
Болалар овқатлари	46.38.08	тонна
Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари	46.38.09	тонна
Йигирилган ип	46.41.01	тонна
Газламалар	46.41.02	Минг погонаметр
Атторлик моллари	46.41.03	дона
Дастурхон ва чойшаб, пардалар ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	46.41.09	тонна
Кийимлар	46.42.11	дона
Бош кийимлар	46.42.12	дона
Пайпок буюмлари	46.42.13	минг жуфт
Кийимлар учун аксессуарлар	46.42.19	минг дона
Пойафзаллар	46.42.90	минг жуфт
Телевизорлар	46.43.11	дона
Радио- ва бошқа телеаппаратура (маиший)	46.43.19	дона
Компакт дисклар, рақамли дисклар, оптик дисклар (CD ва DVD) ва бошқа ёзувли маълумот ташувчилар	46.43.20	минг дона
Маиший кир ювиш машиналари	46.43.91	дона
Электр чанг ютгичлар	46.43.92	дона
Электр дазмоллар	46.43.93	дона
Кондиционерлар	46.43.94	дона
Совуткичлар ва музлатгичлар	46.43.95	дона
Фотоускуналар ва оптик товарлар	46.43.96	минг дона
Бошқа маиший электр товарлар	46.43.99	дона
Шиша, кулолчилик ва чинни буюмлар	46.44.01	минг дона
Синтетик ювиш воситалари	46.44.02	тонна

Товарлар номи	Сатр коди	Ўлчов бирлиги
А	Б	В
Хўжалик совуни	46.44.03	тонна
Бошқа тозалаш ва сайқалловчи воситалар	46.44.09	тонна
Атир совун	46.45.01	тонна
Парфюмерия ва пардоз товарлари	46.45.02	дона
Фармацевтика, тиббиёт воситалари ва препаратлари	46.46.01	қадок
Тиббиёт, жарроҳлик ва ортопедия асбоблари ва мосламалари	46.46.02	дона
Маиший мебеллар	46.47.11	дона
Гилам ва гилам маҳсулотлари	46.47.12	минг.кв.м
Ёритиш ускуналари	46.47.20	дона
Соатлар	46.48.01	минг дона
Заргарлик буюмлари	46.48.02	грамм
Ошхона анжомлари ва металл идишлари	46.49.01	дона
Китоблар, журналлар ва газеталар	46.49.02	минг дона
Канцелярия буюмлари	46.49.03	минг дона
Музыка асбоблари	46.49.04	дона
Ўйинлар ва ўйинчоқлар	46.49.05	минг дона
Велосипедлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ва аксессуарлари	46.49.06	дона
Спорт товарлари, жумладан чанги ботинкалари каби махсус спорт пойафзаллари	46.49.07	минг дона (минг жуфт)
Бошқа гуруҳларга киритилмаган истеъмол товарлари	46.49.09	минг дона
Компьютерлар	46.51.01	дона
Компьютер алоҳида сиртки ускуналари ва дастурий таъминот	46.51.02	минг дона
Уяли ва бошқа симсиз алоқа тармоғи учун телефонлар	46.52.01	минг дона
Бошқа телекоммуникацион ускуналар ва уларнинг қисмлари	46.52.02	минг дона
Компакт дисклар, рақамли дисклар, оптик дисклар (CD ва DVD) ва бошқа ёзувсиз маълумот ташувчилар	46.52.03	минг дона
Электрон ускуналар ва уларнинг қисмлари	46.52.04	дона
Йиғим-терим машиналари	46.61.01	дона
Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган тракторлар	46.61.02	дона
Бошқа қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун машина ва ускуналар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари (қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган йиғим-терим машиналари ва тракторлардан ташқари)	46.61.03	дона
Боғ ва парклар учун машина ва ускуналар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари	46.61.04	дона
Дастгоҳлар	46.62.00	дона
Тоғ-кон саноати ва фуқаролик қурилиши учун техникалар	46.63.00	дона
Тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноати учун техникалар	46.64.00	дона
Офис мебеллари	46.65.00	дона
Офис техникаси ва ускуналари	46.66.00	дона
Электр симлари ва шнурлари, электр ўрнатиш ускуналари	46.69.01	минг метр/ минг дона
Бошқа техника ва ускуналар	46.69.09	дона
Қаттиқ ёқилғи	46.71.01	тонна
Автомобил бензини	46.71.02	тонна
Дизел ёқилғиси	46.71.03	тонна
Суюлтирилган газ	46.71.04	тонна

Товарлар номи	Сатр коди	Ўлчов бирлиги
А	Б	В
Мойлаш моддалари ва материаллари, мойлар ва бошқа ёқилғи	46.71.09	тонна
Темир рудаси	46.72.01	тонна
Рангли металл рудаси	46.72.02	тонна
Бирламчи шаклдаги қора металл	46.72.03	тонна
Бирламчи шаклдаги рангли металл	46.72.04	тонна
Қайта ишланмаган ёғоч	46.73.01	куб.м.
Бирламчи қайта ишланган ёғоч маҳсулотлари	46.73.02	куб.м.
Санитария техник ускуналар	46.73.03	дона
Лак ва бўёқ	46.73.04	тонна
Цемент	46.73.05	тонна
Қум, шағал, тош, тупроқ	46.73.06	тонна
Ғишт	46.73.07	минг дона
Черепица, плиткалар	46.73.08	минг кв.м
Бошқа гуруҳларда кўрсатилмаган бошқа қурилиш моллари	46.73.09	тонна
Металл буюмлар, сув қувурлари ва иситиш ускуналари ва инвентарлари	46.74.00	тонна
Ўғитлар ва агрокимё маҳсулотлари	46.75.01	тонна
Саноат кимёвий моддалари	46.75.02	тонна
Қоғоз ва картон	46.76.01	тонна
Бирламчи шаклдаги пластмасс ва резина	46.76.02	тонна
Бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа оралиқ маҳсулотлар	46.76.09	тонна
Чиқинди ва синиқ парчалар	46.77.00	тонна

**) алоҳида ўлчов бирликлари бўлган маҳсулотларнинг кенг ассортиментини ўз ичига олган истисно ҳолатларда (масалан, “Бошқа гуруҳларга киритилмаган алоҳида турдаги қурилиш материаллари” (тонна, метр куб, метр кв ва ҳ.к.) статистика кузатувларини ўтказишда асосий ташиқлот мутахассислари билан келишилган ҳолда ўлчов бирлигида жорий маҳсулот турига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шу билан бирга, нархларни кузатишнинг барча даври мобайнида кўрсаткичларнинг солиштирилишини таъминлаш мақсадида, ташиқлотлар товарларни келишган ўлчов бирлигида тақдим қилади.*